



КУЧ-АДОЛАТДА

2012 йил,
12 октябрь,
жума
№ 40 (397)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилгани бугунги кунга келиб ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Қайси соҳага назар ташланса, интилиш ва ўсиш, тараққиёт ва бунёдкорлик кўзга яққол ташланади. Энг муҳими, бунинг натижаси ўлароқ, аҳолининг турмуш даражаси, ҳаёт сифати юксалмоқда.

Ижтимоий соҳадаги ислохотлар, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, спорт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига устувор аҳамият берилгани аҳолининг, айниқса, болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли натижаларга эришишмоқда.



ЮРТИМИЗ КЕЛАЖАГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бекиёс бойлик ва имкониятларга, улкан салоҳиятга эга бўлган юртимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган, барча эзгу мақсадларимизни рўйбга чиқаришга қодир бўлган навқирон авлодни тарбияламоқчи эканмиз, бунинг учун жисмоний тарбия ва спорт ҳаётимизга янада чуқур кириб бориши, айниқса, болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида туриши даркор.

Ана шундай юксак эътибор самараси ўлароқ юртимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги улкан иш-

ларни изчил давом эттириш, жумладан, болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни спорт анжомлари, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан таъминлаш вазифалари изчил амалга оширилмоқда. Бу соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, биринчи навбатда, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш имконини бераётир.

Шаҳар ва қишлоқларимизда болалар спортини янада ривожлантириш

мақсадида ўнлаб замонавий спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этилди. 2011 йилда манзилли қурилиш дастурида болалар спорт объектлари, мусика ва санъат мактаблари барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича белгиланган топшириқлар тўлиқ бажарилди. 214 объект, жумладан, 130 спорт иншооти, 19 сузиш ҳавзаси ва 65 болалар мусика ва санъат мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугун республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ўғил ва қизларимизнинг сафи тобора кенгаймоқда, улар томонидан қўлга киритилган совринлар миқдори айниқса,

сўнги йилларда сезиларли даражада кўпайди. Жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли спорт мусобақаларида Ўзбекистон вакиллари кенг ва фаол иштирок этмоқда. Бир пайтлар юртимиз спортчилари фақат орзу қилган Олимпиада мусобақалари, жаҳон ва китъа чемпионатларида бугун истиқлол фарзандлари — ёш спортчиларимиз совринли ўринларни қўлга киритаётир.

Халқаро мусобақаларда спортчиларимиз 2008 йилда 103 медалга (51 олтин) лойиқ топилган бўлса, 2011 йилда 182 медал (60 олтин) жамгарди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Xabar

Суд орқали ҳимояланиш кафолатлари самаралари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчил амалга оширилётган ислохотлар туфайли ушбу конституциявий қоида амалда тўлиқ ўз ифодасини топди. Бунда суд ҳокимияти мустақиллигини босқичма-босқич мустаҳкамлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар комплекси амалга оширилгани алоҳида аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилати (ЕХТ)нинг Ўзбекистондаги

лойиҳалар координатори ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорликда ташкил этилган «Суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаш: суднинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш» мавзусидаги халқаро семинар-тренинг ҳам ушбу масалаларга бағишланди.

Германия, Франция, Япония каби мамлакатлардан халқаро экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия ва-

зирлиги ҳузурдаги Юристар малакасини ошириш маркази вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Олий суд ҳузурдаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директорининг ўринбосари М.Ҳакимов ва бошқалар Президентининг Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини

таъкидлади. Бу юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмининг мустаҳкамланишига, аҳолига барча ҳуқуқларидан унумли фойдаланиши учун зарур барча шарт-шароитлар яратилиши сари кенг йўл очмоқда. Энг муҳими, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларини амалда тўла таъминлай оладиган мустақил суд ҳокимияти қарор топмоқда.

Бунда суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги институтга айлантиришга қаратилган ишловотлар алоҳида аҳамият касб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади.

Нафақат суд, балки айнан судьянинг мустақиллигини таъминлаш борасида ҳам юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Зеро, Бош Қомусимизнинг 112-моддасида қайд этилганидек, судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашмага йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Шу ўринда бу борадаги ислохотларнинг дастлабки босқичида мустаҳкам қонунчилик базасини шакллантириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги ва «Давлат та-

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Инсонпарварлик тамойиллари амалда кутилган самараларни бермоқда

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2000 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суд тизimini такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида кўра, 2001 йилдан бошлаб юртимизда умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиладир.

(Давоми учинчи бетда)



Мамлакатимизда фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг ривожлантирилаётгани фермерларнинг фаолияти самарадорлиги ошишига, иқтисодий тизимдаги ўрни янада мустаҳкамланишига замин яратмоқда.

Qonun ko'magi

Фермерлар манфаати — муҳофазада

Фермерларнинг ҳуқуқлари ҳимояси қонунчилигимизда алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, Конституциямизда қайд этилганидек, давлат иқтисодий фаолияти, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳат-

дан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг ҚАРОРИ

2012 йил 14 сентябрь № 12/239 Тошкент шаҳри

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, улар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари томонидан тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17 ва 47-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги ишларни кўриш жараёнида қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ ва очиқшай амал қилиш зарурлигига қаратилсин.
2. Тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги низооларни ҳал-этишда судлар мазкур субъектларга қонун ҳужжатларига назарда тутилган солиққа оид ва бошқа имтиёзлар, преференцияларни қўлламаслик, улар фаолиятини чеклаш сабабларини синчковлик билан ўрганишлари лозим.
3. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (кейинги матиларда — Қонун) 13-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан «бир дарча» принципи бўйича ва қоида тартибидан, хабардор қилиш асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Маълумки, халқимиз ўз мустақиллигини қўлга кириттач, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлади. Ушбу мақсадларга эришиш учун эски маъмурий-бошқарув тизимидан хусусий мулкнинг устуворлиги, дахлсизлиги ва мулк ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларига асосланган бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш белгилаб олинди. Мамлакатимизда янги мулкдорлар тоифасини шакллантиришда шахс, жамият ва давлатнинг ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш, шунингдек, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Yangi qonun mohiyati

Хусусий мулк ҳимояси ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари

бу борадаги ҳуқуқий асослар янги қонун билан янада такомиллаштирилди

Шу ўринда бу борадаги ислохотларнинг дастлабки босқичида мустаҳкам қонунчилик базасини шакллантириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги ва «Давлат та-

сарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилингани ўта муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Мерос ҳуқуқи у қонун билан кафолатланади

Аввало шунини айтиш керакки, Бош қомусимизнинг 36-моддасига кўра, мамлакатимизда мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

Бунинг амалда таъминлаш борасида ворислик муносабатлари қонунчилигида тўлиқ акс эттирилган. Жумладан, фуқаролик қонунчилигида мероснинг очилиши, уни ҳимоя қилиш, мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, мерос таркиби ва уларни сақлаш, бошқариш, қуриқлаш ва тасарруф қилиш, меросхўрларга ўтиш тартиби ва шартлари аниқ белгиланади.

Бунинг амалда таъминлаш борасида ворислик муносабатлари қонунчилигида тўлиқ акс эттирилган. Жумладан, фуқаролик қонунчилигида мероснинг очилиши, уни ҳимоя қилиш, мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, мерос таркиби ва уларни сақлаш, бошқариш, қуриқлаш ва тасарруф қилиш, меросхўрларга ўтиш тартиби ва шартлари аниқ белгиланади.

Маълумки, мерос ҳуқуқи — фу-

(Давоми учинчи бетда)

Хабар

Суд орқали ҳимояланиш кафолатлари самаралари

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Семинарда соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида янги тизим жорий этилгани ҳар жиҳатдан билимли, маънан етук муҳассисларни судьяликка жалб этиш имконини бераётгани таъкидланди. Шу мақсадда тузилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси шу йўналишда ишчил фаолият юритмоқда.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу, ўз навбатида, уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилаётди.

Ўзбекистонда судларнинг ихтисослаштирилгани эътиборга лойиқ, — дейди Нағоя университетини Осиё ҳуқуқий алмашуви маркази директор Ичишаи Катсуя (Япония). — Бу ишларнинг ўз вақтида сифатли қўрилишида муҳим аҳамиятга эга. Чунки судьяларнинг бир йўналишда фаолият кўрсатиши уларнинг малакаси, тажрибаси ортиб боришига хизмат қилади. Яна шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, Ўзбекистонда қонунларнинг изчил тақомиллаштирилиши таъминлашга эришилган, уларда инсонпарварлик тамойилларининг устуворлиги эътирофга сазовор.

Тадбирда Ўзбекистонда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида тортишув тамойили тўла жорий этилгани ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Бу мамлакатимизда адвокатура институтининг тубдан ислоҳ қилингани, фуқароларнинг ҳимоя ҳуқуқи кучайтирилгани натижасидир. Зеро, кучли, мустақил адвокатура тизими инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми бўлиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омили бўлмоқда. Шу асосда адвокатуранинг ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизими — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди. Унга барча адвокатларнинг мажбурий аъзо бўлиши белгилангани адвокатура тизимининг яхлитлигини таъминлашга хизмат қилаётди.

Адвокатнинг процессуал мақомини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликнинг янада тақомиллаштирилгани жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал мувофиқлиги тенглигини таъминлаш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилаётди. Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўққинлик қилиш Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилгани инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омили бўлмоқда. Бу борада «Хабас корпус» институтининг жорий этилгани, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокуратурадан судга ўтказилгани шахс дахлсизлиги кафолатини амалда тўла таъминлашга хизмат қилмоқда.

нидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида бу йўналишдаги ишлар янги маъно ва мазмун билан бойиб, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими изчил демократлаштирилмоқда. Шу билан бирга, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ихтимойий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатлар кучайтирилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ихтимойий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бунинг ёрқин далилидир. Фармонда суд тизими ходимларини ихтимойий муҳофаза қилишни тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Мазкур концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг шу йил 30 августда бўлиб ўтган тўққизинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 18 сентябрда имзоланган мазкур қонунда айбланувчини лавозимдан четлатириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тартибидagi процессуал мажбурий чораларнинг суд тартибида қўллаш, жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқини суднинг ваколатларидан чиқариб ташлаш, ишни судда даво кўриш вақтида жиноят иши юзасидан айблов ҳуқуқини ўқиб эшитириш мажбуриятини прокурорга юклар назарда тутилган. Бу қонуннинг қўлланилиши суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида «Хабас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, суднинг суд муҳокамасини адолатли олиб боришдан иборат асосий вазифаси бажарилишини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари амалга оширилишига имкон беради.

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган бундай изчил ислохотлар натижасида фуқароларнинг судларга бўлган ишончи ортмоқда.

Ўзбекистонга илк бор келишим, — дейди Берлин-Бранденбург Олий маъмурий суди раиси Юрген Кипп (Германия). — Бу ердаги тинч ва фаровон ҳаёт, ривожланиш барча соҳаларда зарур ҳуқуқий асослар яратилгани ва бу амалда таъминланаётганини кўрсатади. Зеро, ҳуқуқий кафолатларни таъминлашдан туриб буларга эришиб бўлмайди. Мамлакатимизда қисқа вақтда суд-ҳуқуқ соҳасида улкан ютуқларга эришилгани тахсинга лойиқ. Айниқса, ўлим жазосининг бекор қилингани, судларнинг ваколатлари кенгайтирилгани эътиборга сазовор.

Семинарда, шунингдек, Германия, Франция, Япония каби давлатлар суд тизими ҳақида батафсил маълумот берилди. Суд ҳокимияти мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга оид қонунчилик базасини янада тақомиллаштириш бўйича фикр алмашилди. Семинар-тренинг натижасига кўра, иштирокчилар томонидан ушбу соҳага оид тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,

ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг ҚАРОРИ

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важар билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Судларга тушунтирилсинки, ташкил этилаётган юридик шахс таъсисчиларидан лоақал битта фуқаро бўлган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик устидан берилган шикоят умумий юрисдикция судларига тааллуқлидир.

Юридик шахсни қайта ташкил этишни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик устидан ушбу юридик шахс томонидан берилган ариза (шикоят)лар ҳўжалик судларига тааллуқлидир.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатларини бузганлик суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда, суд айбдор мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)га ҳуқуқий баҳо бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (кейинги матнларда — ФПК) 57-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексининг (кейинги матнларда — ХПК) 55-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, инobatга олиш керакки, юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишнинг қонунийлигини исботлаш мажбуриятини рўйхатдан ўтказувчи орган зиммасига юклатилади.

Судларга тушунтирилсинки, фермер ҳўжалиги ташкил этиш учун фуқарога ер участкаси ажратиш ҳақидаги ҳоким қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги ариза фермер ҳўжалиги ёки фуқаро томонидан берилишидан қатъи назар, у умумий юрисдикция судида кўриб чиқилади.

Агар фермер ҳўжалигига қўшимча ер участкаси ажратиш ҳақидаги ҳокимнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза фермер ҳўжалиги томонидан берилган бўлса, у ҳўжалик судида, фуқаро томонидан берилган бўлса — умумий юрисдикция судида кўриб чиқилади.

ФПК 31-моддаси ва ХПК 23-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, судлар шуни назарда тутишлари керакки, яқка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлмаган фуқаро иштирокидаги низолар умумий юрисдикция судларига тааллуқли.

Агар яқка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти белгиланган тартибда судга даъво тақдим этилгунга қадар тугатилган бўлса, унинг иштирокидаги, шу жумладан, унинг олдинги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ низо ҳам умумий юрисдикция судига тааллуқли. Яқка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти судга даъво тақдим этилгандан сўнг тугатилган тақдирда, низо ҳўжалик судига тааллуқли.

Тадбиркорлик фаолиятининг тўхтатилиши ҳўжалик судида иш бўйича иш юритишни тугатиш учун асос бўлмайди.

Агар фуқаро қонунда белгиланган тартибда яқка тартибдаги тадбиркор мақомини олган бўлиб, аммо низо унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан эмас, балки уй-жой,

ойла-никоҳ ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан бўлса, бундай низо умумий юрисдикция судларида кўриб чиқилади.

7. Судлар шуни инobatга олишлари керакки, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни ўтказиш тартиби қонун ҳўжатлари билан қатъий белгиланган. Хусусан, «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бошқа масалалар билан бир қаторда текширишларни ўтказиш асослари, даврийлиги ва муддатлари тартибга солинган.

Текшириш қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, у ноқонуний ҳисобланади ва ФПК 56-моддасининг иккинчи қисми, ХПК 54-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ текшириш натижасида олинган маълумотлар далил сифатида қабул қилинмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатга олинган «Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом 6-бандининг иккинчи хатбошисига кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларга белгиланган тартибда рухсат берилган битта назорат қилувчи органга бошқа назорат қилувчи органлар, режадан ташқари текшириш ўтказиш учун қонун ҳўжатларида назарда тутилган асослар бўлган тақдирда, улар томонидан берилган буюртманомасида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан қўшилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти бир неча назорат қилувчи орган томонидан текширилганлиги билан боғлиқ низолар кўрилаётганда, судлар уларнинг ҳар бирида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан қўшилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти бир неча назорат қилувчи орган томонидан текширилганлиги билан боғлиқ низолар кўрилаётганда, судлар уларнинг ҳар бирида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан қўшилиши мумкин.

9. «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик картчалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилишига, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар давлат солиқ хизмати органларининг фақат қонун ҳўжатларида ваколат берилган бўлинмалари томонидан мазкур бўлинмалар бошлиқларининг буйруқлари асосида ўтказилиб, кейинчалик бу ҳақда махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси қисқа муддатли текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш кунини ичида хабардор қилинади.

Судлар инobatга олишлари керакки, бундай қисқа муддатли текширишлар ўтказиш учун назорат қилувчи органлар фаолияти-

ни мувофиқлаштирувчи ҳудудий Кенгашнинг рухсатномаси талаб этилмайди.

10. Қонун 39-моддасининг ўн иккинчи қисмига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари бирлашмаларининг аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар тадбиркорлик фаолияти субъектлари сўровига кўра мазкур бирлашмалар вакилларининг иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъекти томонидан текширишда бирлашма вакилининг иштирок этиши исоти билдирилган тақдирда, унга бирлашма вакилини таклиф этиш учун имконият берилиши шарт. Судларга тушунтирилсинки, бундай имкониятнинг берилмаганлиги текширишни ноқонуний деб топиш учун асос бўлмайди. Шу билан бирга, судлар бундай ҳолатга йўл қўйган айбдор шахсларнинг ҳаракатларига тегишли ҳуқуқий баҳо беришлари зарур.

11. Судлар инobatга олишлари лозимки, Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, банклар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳўжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилади.

12. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда, агар қонунда молиявий санкция миқдори белгиланмаган бўлса, судлар санкциянинг миқдорини жавобгарнинг мулкни аҳоли, айбини оғирлаштирувчи ва энгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда белгилашлари лозим.

13. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 329-моддасининг 13-бандига ва 330-моддасининг 3-бандига кўра, тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод қилинади. Ушбу қоида мазкур тоифадаги ишлар бўйича суд ҳўжатлари устидан шикоят қилинганда ҳам татбиқ этилади.

Судларга тушунтирилсинки, бундай тоифадаги ишлар бўйича аризалар берилганда аризадан давлат божидан озод қилиш ҳақидаги илтимоснома ёки молиявий аҳоли тўғрисидаги маълумотнома талаб қилинмайди.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 27 апрелда 1948-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Респуб-

ликаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги Йўриқноманинг 3-бандига кўра, юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар ҳамда бир ёки бир неча банкларда миллий ва чет эл валютасидаги талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақлари, шунингдек, жамғарма, муддатли, ссуда ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эгалар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 10 июнда 1044-сон билан рўйхатга олинган «Ҳисобварақлар очиб, миқдорлар ҳисобварақларига маблағ ўтказиш ва ҳисоблаб чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш тартиби бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 4-бандига кўра, Марказий банк меъёрий ҳўжатларда назарда тутилган барча зарурий ҳўжатлар тақдим этилгандан кейин банклар томонидан ҳисобварақлар очишда сабабсиз кечиктирилганлик ёки очишдан бош торганлик, шунингдек, мазкур турдаги ҳисобварақ очиш учун ортиқча ҳўжатларни талаб қилганлиги учун банк устав сармоясига белгиланган энг кам миқдорнинг 0,05 фоизи миқдорида жарима тўлаёди.

Судлар назарда тутишлари керакки, банкнинг ҳисобварақни бошқа банкда ёки банк филиалларида очиш ҳақидаги таклифи ҳам банкнинг ҳисобварақни очишдан бош тортиши деб баҳолашни лозим.

15. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, тадбиркорлик субъектларига қонуний фаолиятни амалга оширишда, жумладан, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисоботлар топширишда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга оид қонуний имтиёзлар, преференциялар қўллашда, муҳандислик-коммуникация тармоқлари (энергия, газ, сув, каналлация, иссиқлик таъминоти ва бошқа)га уланишга рухсат олинишида, пул маблағлари ёки моддий бойликлардан эркин фойдаланишида давлат органлари ёки мансабдор шахслар томонидан ноқонуний аралашувлар, чекловлар, сансалорликлар ва бошқа шунга каби тўққинликларга йўл қўйилганлиги ҳолатлари аниқланган, суд уларга нисбатан таъсир чоралари қўллаши ёки уларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилиши лозим.

16. Судларнинг эътибори тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги ишлар бўйича суд амалиётини мунтазам равишда ўрганиб ва умумлаштириб, аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришлари, мазкур соҳага оид қонун ҳўжатларини тақомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар бериб боришлари лозимлигига қаратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси

Б.МУСТАФАЕВ

Пленум котиби, Олий суд судьяси

А.УСМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг раиси

Д.МИРЗАКАРИМОВ

Пленум котиби, Олий ҳўжалик судининг судьяси

М.ИЗРАИЛБЕКОВА

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу қонунларда мулкчиликнинг хусусий шаклини жорий этиш ва унинг эркинлигини таъминлашга, қолаверса, давлат мулк объектларининг тўлиқ равишда ёки қисман давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид қонунлар аниқ белгилаб берилди.

Президентимизнинг 1994 йилда қабул қилинган «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги фармонлари тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий мулкчилик муносабатларини ривожлантиришда ўта муҳим ўрин тутганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Таъкидлаш кераки, ислохотларнинг кейинги босқичида иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилиш шароитида хусусий мулкнинг ҳимоясини янада мустаҳкамлаш, шу билан бирга соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг орта қайтмаслигини кафолатлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу даврда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни янада мустаҳкамлаш мақсадида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун, янги таҳрирда Солиқ кодекси каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.


Айтиш кераки, ҳолисона таҳлил, ислохотларнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини, хусусан, мулкчиликнинг хусусий шаклини янада чуқурлаштириш, тақомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ушбу эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган **Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**

Yangi qonun mohiyati

Хусусий мулк ҳимояси ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари

бу борадаги ҳуқуқий асослар янги қонун билан янада тақомиллаштирилди



яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур. Тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, махсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим.

2012 йил 25 сентябрда кучга кирган

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар

ифодасини топгани билан хусусий мулк тўғрисидаги қонунчилик тажрибасида янгилик ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 24-моддаси иккинчи қисмида хусусийлаштирилган мол-мулк бўйича хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, суд томонидан ташаббус билан чиқишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Бу, ўз навбатида, ушбу қонуннинг мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги ва хусусий мулкнинг дахлсизлиги принципларига тўлиқ мос келишини кўрсатади. Ушбу нормаларни бузган шахсларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлишининг белгиланганлиги эса, хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Бундан ташқари янги қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан, давлат органи ва бошқа орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарор қабул қилиниши натижасида мулкдорга етказилган зарарининг ўрни уни қабул қилган орган томонидан қопланади ёхуд суднинг қарори билан ушбу органнинг мансабдор шахсига юклатилади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга таъдбиқ этилиши иқтисодиётда хусусий мулк салмоғи яна ошиши учун қулай шарт-шароит яратиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, мулкдорларнинг тадбиркорлик фаолияти давомида орттириладиган даромадини янада кўпайтиришга мустаҳкам замин яратди.

Саҳиҳнамал ДЖОЛДАСОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингининг институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

Fuqarolik qonunchiligi

Мерос ҳуқуқи у қонун билан кафолатланади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фуқаролик кодекснинг 1135-моддасига кўра, мерос қолдирувчининг болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, эри, хотини ва ота-онаси, фарзандликка олувчилар тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатда ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Айтиш жоизки, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома, ворислик васият ёки қонун бўйича эканлигидан қатъий назар, мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан сўнг мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилди. Нотариуснинг меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ни бериши рад этиши устидан меросхўр судга шикоят бериши мумкин.

Меросхўрлар ўртасида ме-



росни тақсимлаш, ундан улуш ажратиш тўғрисида келишувга эришилмаган тақдирда, тақсимот улардан исталган бирининг талаби бўйича суд тартибда амалга оширилади.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, даъвогар Вали Юнусов

нафар, яъни Ирода, Қосим ва Вали исмли фарзандлари бор. Ота ва она вафотидан сўнг мазкур уйни катта ўғил Қосим сотиб юрган. Аниқроқ айтганда, низоли уйга қўшни бўлиб яшаган Феруза Раҳимова Қосим билан келишиб, ишончнома асосида уйни Абдулла Турсуновга сотиб юрган. Вали эса, табиийки, меросдан маҳрум бўлиб қолган.

В.Юнусов ўз аризасида меросга бўлган ҳуқуқини тиклаб беришни, олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, низоли уй ҳақиқатан ҳам, марҳум Н.Юнусовга тегишли бўлган. Мерос қолдирувчининг барча фарзандлари тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга. Бироқ ушбу ҳолатда низоли уй бўйича мерос қолдирув-

чининг фақатгина бир фарзанди, яъни Қ.Юнусов номига қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилган. Фуқаролик кодексининг 116-моддасига кўра, қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир.

Шу боис Марғилон шаҳар давлат нотариал идорасида қайд этилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас, деб топилиди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш кераки, мерос ҳуқуқига оид меъёрлар қонунчилигимизда тўлиқ акс эттирилган бўлиб, унда барчанинг, хусусан, ҳар бир меросхўрнинг ҳуқуқи кафолатланган. Бу амалда фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Абдуҳалим АҲМЕДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг раиси

Islahot va samara

Инсонпарварлик тамойиллари амалда қўтилган самараларни бермоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

«Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши эса, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида том маънода муҳим воқеа бўлди.

Президентимиз таъкидлаганидек, жиний жазоларни либераллаштиришнинг бош мақсади — давлатнинг жиноятчиликка қарши курашда одил сиёсати орқали адолат ҳамда қонун устуворлигини таъминлашдан иборат.

Дарҳақиқат, жиноятчиликка қарши курашда фақат оғир жазо чораларини қўллаш орқали қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Аслида ҳам, жазо тайинладан кўзланган мақсад — жиноят кўчасига кирган шахсни қайта тарбиялаш, уни жамиятимиз учун хавfli ҳаракатлардан тийиш, эл-юрт учун фойдали мақсадга йўналтиришдир.

Таъкидлаш кераки, бугунги кунда судлар тайинланаётган жазонинг қонуний ва адолатли бўлишига, айбланувчига нисбатан ортқча ёки қилмишига нисбатан оғирроқ жазо чораси қўлланмасликка соҳада эътибор қаратмоқда. Энди ушбу фикрни мисоллар билан далиллашга ҳаракат қиламиз.

Судланувчи А.Кулиев ўтган йилнинг 17 июнь кунини жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 170-моддаси билан энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдоридан жазога ҳисоблана тортилган эди. Лекин у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади, яна ноқонуний қўлимизга қўйди. Аниқроқ айтганда, у шу йилнинг 6 апрель кунини эрталаб Навоий шаҳар марказий дехқон бозорида фуқаро С.Нарзуллаевдан 1 минг 200 АҚШ долларини 3 миллион 336 минг сўмга ноқонуний равишда олаётган пайтда тегишли идора ходимлари томонидан ашъвий далиллар билан ушланган.

Дастлабки тергов идораси томонидан судланувчи А.Кулиевнинг жиний ҳаракатлари Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми «а» банди билан малакаланган.

Суд судланувчи А.Кулиевнинг жиний ҳаракатларини Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисмининг «а» бандидан шу модданинг 1-қисмига қайта малакалашни лозим топди. Нега деганда, судланувчи А.Кулиевга мўқаддам, аниқроғи, 2010 йилнинг 5 январидан мазкур суд томонидан Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми «б» банди билан 1 миллион 318 минг 800 сўм миқдоридан жазога ҳисоблана тортилган. Жиноят кодексининг 78-моддасида жазога ҳисоблана тортилган қонундан бошлаб бир йил ўтган, судланганлик ҳолати туғилган деб ҳисобланиши кўрсатилган. Мазкур ҳолатда эса, А.Кулиевнинг судланганлик муддати 2011 йилнинг 19 январидан туғган. А.Кулиев томонидан кейинги жиноят 2012 йилнинг 6 апрелида содир этилган.

Суд Жиноят кодексининг 55-моддасига кўра, судланувчи А.Кулиевнинг айбига тўлиқ иккорулгини ва қилмишидан чин қўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топди. Жиноят кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмади.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилган, 3-бандида эса, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда инди-видуал таъинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши зарурлиги қайд этилган. Шунингдек, Пленум қарорининг 16-бандида жазо тартибидан жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд олдати, янги амалда тўлана олинмиши имкониятидан келиб чиқиши лозимлиги қайд этилган. Бошқача айтганда,

суд судланувчининг моддий аҳолини, қарамоғида воёга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси бор ёки йўқ эканини инобатга олиши керак.

Суд судланувчи А.Кулиевни Жиноят кодексининг 177-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор, деб топиб, унга шу модда билан энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз беш баравари миқдоридан жазога ҳисоблана тайинланди. Иш бўйича далилий ашё сифатида олинган 3 миллион 336 минг сўм давлат фойдасига мусодала қилинди.

Шу ўринда иккинчи мисолга тўхталиб ўтадиган бўлсак, бир қорхонада узоқ йиллардан бўён бирга ишлаб келаётган Н.Очилов (исм-фамилиялар шартли) Э.Самаровга музлаткича оқват борадиган иборат.

Дарҳақиқат, жиноятчиликка қарши курашда фақат оғир жазо чораларини қўллаш орқали қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Аслида ҳам, жазо тайинладан кўзланган мақсад — жиноят кўчасига кирган шахсни қайта тарбиялаш, уни жамиятимиз учун хавfli ҳаракатлардан тийиш, эл-юрт учун фойдали мақсадга йўналтиришдир.

Таъкидлаш кераки, бугунги кунда судлар тайинланаётган жазонинг қонуний ва адолатли бўлишига, айбланувчига нисбатан ортқча ёки қилмишига нисбатан оғирроқ жазо чораси қўлланмасликка соҳада эътибор қаратмоқда. Энди ушбу фикрни мисоллар билан далиллашга ҳаракат қиламиз.

Судланувчи А.Кулиев ўтган йилнинг 17 июнь кунини жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 170-моддаси билан энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдоридан жазога ҳисоблана тортилган эди. Лекин у бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади, яна ноқонуний қўлимизга қўйди. Аниқроқ айтганда, у шу йилнинг 6 апрель кунини эрталаб Навоий шаҳар марказий дехқон бозорида фуқаро С.Нарзуллаевдан 1 минг 200 АҚШ долларини 3 миллион 336 минг сўмга ноқонуний равишда олаётган пайтда тегишли идора ходимлари томонидан ашъвий далиллар билан ушланган.

Дастлабки тергов идораси томонидан судланувчи А.Кулиевнинг жиний ҳаракатлари Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми «а» банди билан малакаланган.

Суд судланувчи А.Кулиевнинг жиний ҳаракатларини Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисмининг «а» бандидан шу модданинг 1-қисмига қайта малакалашни лозим топди. Нега деганда, судланувчи А.Кулиевга мўқаддам, аниқроғи, 2010 йилнинг 5 январидан мазкур суд томонидан Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми «б» банди билан 1 миллион 318 минг 800 сўм миқдоридан жазога ҳисоблана тортилган. Жиноят кодексининг 78-моддасида жазога ҳисоблана тортилган қонундан бошлаб бир йил ўтган, судланганлик ҳолати туғилган деб ҳисобланиши кўрсатилган. Мазкур ҳолатда эса, А.Кулиевнинг судланганлик муддати 2011 йилнинг 19 январидан туғган. А.Кулиев томонидан кейинги жиноят 2012 йилнинг 6 апрелида содир этилган.

Суд Жиноят кодексининг 55-моддасига кўра, судланувчи А.Кулиевнинг айбига тўлиқ иккорулгини ва қилмишидан чин қўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топди. Жиноят кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмади.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилган, 3-бандида эса, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда инди-видуал таъинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши зарурлиги қайд этилган. Шунингдек, Пленум қарорининг 16-бандида жазо тартибидан жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд олдати, янги амалда тўлана олинмиши имкониятидан келиб чиқиши лозимлиги қайд этилган. Бошқача айтганда,

Асқар МАМАРАҲИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу кафолатлар тадбиркорликнинг ўзига хос шакли бўлган фермерлик ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Фуқаролик кодексида фуқаролар ва юридик шахсларнинг шартнома тузишда эркинлиги, шартнома тузишда мажбур қилишга йўл қўйилмаслиги белгилаб берилгани ҳам соҳа вакиллариининг ўзаро тенглик тамойили асосида фаолият кўрсатишига муҳим омил бўлмоқда. Эеро, бозор иқтисодиёти шароитида шартномалар, жумладан, контрактация шартномалари барча мулк шаклидаги қорхоналар, тадбиркорлар билан тайёрловчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Контрактация шартномасига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига шартлашган мuddатда топшириш мажбуриятини олади. Тайёрловчи эса, бу маҳсулотни қабул қилиш, унинг ҳақини шартлашган мuddатда белгилашган баҳода тўлаш мажбуриятини олади.

Шу ўринда шартномавий мажбу-

Qonun ko'magi

Фермерлар манфаати — муҳофазада

риятлар бажарилишини назорат қилиш, мониторинг тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ қонуний назорат тадбирлари адлия идоралари зиммасига юклатилганлигини таъкидлаш лозим.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Хоразм вилояти адлия бошқармасига шартномавий-ҳуқуқий масалалар бўйича 32 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 28 таси кўриб чиқилди, 14 таси қаноатлантирилди, 14 тасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилди ва қолган 4 таси тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилди. Бошқарманин «Ишонч» телефонига шартномавий муносабатларга оид 11 та мурожаат қабул қилинган бўлиб, шундан 10 таси қаноатлантирилди ва 1 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Масалан, Қўшқўпир туманидаги «Донохон Кумуш толаси» фермер хўжалиги билан «Қўшқўпир пилла» масъулияти чекланган жамияти

ўртасида тузилган контрактация шартномасига биноан 2011 йил ҳосили учун фермер хўжалиги жавобгарнинг манзилга белгиланган мuddатда 4 миллион 750 минг сўмлик пилла етказиб берган.

Шартномага асосан жавобгар фермер хўжалигидан пиллани қабул қилиб олгач, 60 кундан кечиктирмаган мuddатда унинг ҳақини тўлаш тўлаш лозим эди. Аммо топширилган пилла қийматининг 377,7 минг сўми тўланмаган.

Шартноманин 5.3-бандида етказиб берилган пилла ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Тайёрловчи» «Хўжалик»ка кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманин 0,4 фоизи миқдоридан, лекин 50 фоиздан ортқ бўлмаган миқдорда пеня тўлаши белгиланган.

Шунга кўра, жавобгардан фермер хўжалиги фойдасига 377,7 минг сўм асосий қарз ва тўловни кечиктирган 125 кун учун 188,8 минг сўм пеня ун-



дириш юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди ва у қаноатлантирилди.

Бу каби чора-тадбирлар тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлариининг манфаатлари таъминлашга, пировардида уларнинг раванқ топишига, иқтисодиёт барқарорлигига хизмат қилмоқда.

Раваҳанбек НИЁЗМЕТОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)
Президентимизнинг ташаббуси билан ўтказиб келинган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод»

ши ва соғлом ўсиши учун болаларга ҳар томонлама яратилган шарт-шароитлар бўлганда кунда фарзандларимизнинг нафақат ўз уйи — Ўзбекистонда, ҳақон интеллектуал ва спорт майдонла-

евнинг эркин кураш спорт тури бўйича бронза медалларини қўлга киритганлиги, айниқса, Артур Таймазовнинг эркин кураш спорт тури бўйича «Олтин медаль» соҳиби бўлганлиги халқимизни

маънавий камолотга эришишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайти, аниқ мақсад сари интилади, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида

мазкур йўналишда изчил давом этаётган ишларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир. Президентимиз Исролом Каримов гоёси ва таклифлари асосида барпо этилган «Бунёдкор» спорт

Iftixor

Юртимиз келажаги ва тараққиётининг муҳим таянчи



ва Универсиада Ўзбекистон байроғини баланд кўтарди, юрт шаъни, халқ гурури учун курашадиган истеъдодли спортчиларни тарбиялашда ўзига хос мактаб вазифини ўтамоқда. Ҳар йили мазкур мусобақаларда кашф этилаётган юзлаб ёш спортчилар халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётди.

рида ҳам шахдам одимлаб, катта-катта ютуқларга эришиши учун хизмат қилмоқда. Пировардида, ёшларимиз томонидан қўлга киритилаётган ютуқлар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг исботидир.

тўлқинлантириб юборди. Байроғимиз Лондон осмонидан баланд кўтарилиб, Мадҳиямиз баралла янграганда кўзларимизда бўвонч ёшлари қалқиди.

Ғалабага ишонч, гурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди, деган фалсафий фикрлари нечоғлик ҳақ эканлигига яна бир қарра амин бўлдилар.

Ёш футболчиларнинг ўйинида ҳақиқатдан ҳам, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгиш, ғалабага ишонч билан ҳаракат қилиш яққол кўзга ташланди. Ватан билан гурурланиш ва ифтихор қилиш ёш футболчиларимизда нақадар юксак эканлиги бутун ўйин давомида сезилиб турди.

Терма жамоамиз аъзоларидаги, хусусан, Отабек Шукуров, Сарвар Каримов, Ақобир Тураев, Ойбек Эркинов, Ислам Каримов каби фарзандларимиздаги шижоат, ғалабага бўлган ишонч билан бир ўзбекистонликни бефарқ қолдирмади, десам, муболага бўлмайди.

Фарзандларимиз эришяётган бундай муваффақиятлар болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган аниқ дастурларнинг ҳаётий самарасидир. Муваффақиятимизнинг 21 йиллиги арафасида Ташкентда қуриб битказилган «Бунёдкор» спорт комплекси

мажмуаси ўзининг ноёб меъморий ва муҳандислик ечими, бетакрор дизайни билан пойтахтимиз кўрғига кўрк қўшди. Энг замонавий талаблар асосида барпо этилган ушбу мажмуада футболчилар, мураббийлар, ҳакамлар, мухлислар учун барча шароитлар ва қулайликлар яратилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, футбол бўйича Осиё чемпиони шарафига муяссар бўлган Ўзбекистон юлдузлари — Мустақиллик фарзандларидир. Улар давлатимиз раҳбари ва бутун халқимиз кутганидек, нималарга қодир эканликларини амалда исботлаб, ўз гурурини, ўз халқини, ўз Ватанини шарафлаб тарих зарварларига дастлабки муваффақиятларини муҳрлаб қўйишди. Ўзбекистон ёшлари дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч кимдан кам бўлмаганини яна бир қарра исботлашди. Ўзбек ўғлонлари эгаллаган нуфузли ўрин, қўлга киритилган олтин медаллар кўксимизни гурур ва ифтихор, фахр ва қувонч ҳисси билан тўлдирди.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Олий Махлис Кунунчилиқ палатаси депутати

Muloqot
Газетхон савол беради...

— **Айтинг-чи, қонунчиликка асосан, меҳнат ҳақи миқдори қандай белгиланади?**
П.АСРОРОВ,
Бувайда тумани

— Меҳнат кодексининг 153-моддасида меҳнат ҳақи миқдорини белгилаш тартиби ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга қўра, меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон-бир тарзда чекланмайди.

Меҳнат ҳақи шакли, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек, иш берувчи томонидан касаб ва уюмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа ички ҳужжатларда белгиланади. Меҳнатга ҳақ, қонда тариқасида, пул шаклида тўланади. Меҳнат ҳақини натура шаклида тўлаш тақиқланади, ҳукумат томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

— **Айтинг-чи, меҳнатга доир қандай қарорлар дарҳол ижро этилиши қонунда белгиланган?**
Х.ХОЛТЎРАЕВ,
Зарафшон тумани

— Меҳнат кодексининг 273-моддасида меҳнатга доир айрим ишлар бўйича қарорларни дарҳол ижро этиш тартиби ҳақида сўз юритилган. Ушбу моддага мувофиқ, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилингандан унинг ишга тиклаш, шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари тарифини ўзгартириш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори ёки гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишга тиклаш ҳақида меҳнат низоларини кўрувчи орган чиқарган қарор дарҳол ижро этилиши лозим. Иш берувчи томонидан бундай қарорнинг ижроси кечиктирилган тақдирда, қарорни қабул қилган меҳнат низоларини кўрувчи орган ижро кечиктирилган вақт учун ходимга ўртача иш ҳақи тўлаш ёки иш ҳақидаги фарқни тўлиқ миқдорда тўлаш ҳақида ажрим ёки қарор чиқаради. Агар гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходим меҳнат низолари комиссияси томонидан берилган гувоҳнома асосида комиссия қарорини мажбурий равишда ижро эттиришни сўраб судга мурожаат қилган бўлса, суд меҳнат низолари комиссияси қарорининг ижроси кечиктирилганлиги туфайли юзага келган мажбурий проғул вақти учун ходимга иш ҳақи тўлаш тўғрисида ажрим чиқаради.

Саволларга юридик фанлар номзоиди **С.НИЁЗОВА** жавоб берди.

Ҳаётда ҳалол меҳнати билан оиласи ва жамият фаровонлигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган кишилардан ибрат олса арзийди.

Jinoyat va jazo

Эзгу ишлар — умр мазмуни

эгрлиги эса, жазосиз қолмайди

Бироқ турмушда бойлик илнжида ҳар қандай қинғирликка қўл уришдан тап тортмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Бундай кимсалар одатда, фарибгарлик билан ўзгани мулкни қўлга киритиш пайида бўлади. Албатта, қонунда бундай қилмиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Жиноят кодексига фарибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулк эгаси ёки бошқа шахсга маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд мулк эгаси ёки бошқа шахсни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади, дея қайд этилган.

дэн пушаймонлигига ишонч ҳосил қиламиш. Аммо ҳаётда бир эмас, бир неча марта суднинг «қора курсисига» ўтирган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқара олмаган кимсаларнинг ҳазон бўлган умрига ачинамай иложингиз йўқ. Жумладан, Фарғона туманида туғилган Маҳфизатхон Аҳмадалиевани ҳали ёш, ҳаётда бир марта адашибди, деб бўлмайди. Олий маълумотли, уч нафар фарзанднинг онаси бўлган бу шахс нафақа ёшига қадар тўрт марта жиноий жавобгарликка тортилган бўлса-да, бундан ўзига тегишли сабоқ чиқариб олмади. Яна жиноий қилмишга қўл урди.

Фарибгарликда ишонччи суниестемол қилиш деганда эса, айбдор томонидан мулк эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган бошқа шахслар ишонччи муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилади.

Урни келганда шуни айтиш керакки, қасбимиз тақозоси билан жиноят қўчасига билиб-билмай кириб қолган турли ёшдаги, турли тоифадаги шахслар билан рубаруб келамиз. Шундай пайтда ёшлик қилиб, бировларнинг алдоғига учиб, жиноятга қўл урган айбланувчининг қилмиши-

дэн пушаймонлигига ишонч ҳосил қиламиш. Аммо ҳаётда бир эмас, бир неча марта суднинг «қора курсисига» ўтирган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқара олмаган кимсаларнинг ҳазон бўлган умрига ачинамай иложингиз йўқ. Жумладан, Фарғона туманида туғилган Маҳфизатхон Аҳмадалиевани ҳали ёш, ҳаётда бир марта адашибди, деб бўлмайди. Олий маълумотли, уч нафар фарзанднинг онаси бўлган бу шахс нафақа ёшига қадар тўрт марта жиноий жавобгарликка тортилган бўлса-да, бундан ўзига тегишли сабоқ чиқариб олмади. Яна жиноий қилмишга қўл урди.

М.Аҳмадалиева айнан ўзгани мулкни алдаш ва ишонччи суниестемол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида дастлаб фуқаро И.Турсуналиевнинг ишончига қиради. Сўнгра у билан жиноий тил бириктириб, бир қатор шахсларнинг фарзандларини ўқишга киритиб қўйишга ёлғон ваъда бериб, фарибгарлик йўли билан қўл миқдордаги маблағини қўлга қиритади ва сўнг ўз эҳтиёжига ишлатиб юборади.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, сирдарёлик Наима Аллаёрова ҳам олий маълумотли, ҳаётнинг аччиқ-чучигини тотаган. Афсуски, 36 ёшга қадам қўйган бу кимсанинг 2007 йилнинг апрель ойидан 2012 йилнинг февраль ойига қадар 46

марта ўзгаларни алдаш ва ишонччи суниестемол қилиш жиноятини содир этганини эшитган ҳар би киши таажубдан ёқа ушлайди. Фарибгарликнинг ҳадисини олган Н.Аллаёрова биринчи марта Сирдарё вилояти Оқ-олтин тумани марказида М.Ҳамроевга туман марказида жойлашган шиқохонга тиббий ускуналар сотиб олишга ёрдам бераман, дея унинг 250.000 сўмини қўлга қиритади. Шундан сўнг у жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Хоразм, Андижон вилоятларида ижарада яшаб, соддадил кишиларни «чў» туширади.

Айтиш керакки, Н.Аллаёрова ўзининг нопок мақсадига етишиш учун қалбаки ҳужжатлар, бошқа исм-фамилиядан ҳам фойдаланган. У соддадил кишиларни яқин танишлари орқали санаторийга йўланма олиб бериш, олий ўқув юртига ёки касб-ҳунар коллежга ўқишга киритиб қўйиш, ишга жойлаштириш каби ёлғон ваъдалар билан алдаб, маблағини қўлга киритган. У нопок мақсадини амалга оширишда Тўлқин Дадахонов деган кимсани ўзига шерик қилиб олган. Қўлга киритилган жуда катта миқдордаги маблағларни эса, ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборган.

Фарибгарликнинг умри қисқа. Бироқ бу ҳикматни била туриб, жиркан ишга қўл ураётган баъзи кимсаларнинг ҳаётда учраб туриши чуқур мулоҳаза юритишга, огоҳ бўлиб яшашга қорлайди. Зеро, бепарволик, лоқайдлик ҳеч қачон инсонга наф келтирмаган.

Яратган томонидан инъом этилган бойлик — бу биз учун берилган умрди. Шундай экан, умрни эзгу ва савоб ишларга баҳишда этиш, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўйиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарзди. Бунга амал қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди.

Дилноза ХОЛИҚНАЗАРОВА,
жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг судьяси

Sirli olam
Биз билган ва билмаган дунё
Энг виқорли жонзотлар

Айтиш керакки, табиатнинг ҳақиқий шайдолари унга маҳобатли, гўзал, қўрқмас ва улкан илмий аҳамиятга эга жонзот деб таъриф беришади. Тўғри, бир қарашда, юракка ваҳима соладиган бу жонзот нафақат беқийс чаптадлиги ва жасурлиги, балки гўзал виқори билан ҳар қандай кишининг эътиборини ўзига тортади.

Тадқиқотчиларнинг маълумотларига қўра, ўн тўққизинчи асрнинг ўрталарида ер юзиде йўлбарсларнинг умумий сони 100 000 тага яқин бўлган. Улар Жанубий, Жанубий-Шарқий, Урта ва Марказий Осиёнинг ўрмон арчазорларида яшашган. Аммо XX асрнинг ўрталарига келиб уларнинг сони кескин камайиб кетган.

Афсуски, йўлбарслар сонининг тобора камайиб кетгани одамларни ҳамон хушёр торттирмапти. Энг ёмони, йўлбарслар териси, тирноғи, туки, тиши, панжаси омад ва бойлик, жасурлик ва саломатлик келтириши ҳақидаги ирим-сиримлар аҳволни янада мураккаблаштиришмоқда.

Ҳали йўлбарслар кўп бўлган даврларда айрим мамалакатларда, айниқса, Ҳиндистонда йўлбарслар аҳолига жиддий ҳавф тугдирган. Д.Корбет ўзининг «Кумаонлик йиртқиқлар» китобида (Кумаон — Ҳимолайнинг жанубий қисмида жойлашган, Тибет ва Непалга чегарадош ҳудуд) шундай далилларни келтиради: «Мен ачадан буён одамларга ҳужум қилиб келаятган йўлбарслар ҳақида маълумотлар йиғаман. Масалан, 1926 йилдан 1930 йилга қадар битта катта йўлбарс 64 нафар инсонни ҳалок қилган, бошқа бири эса, бир йилнинг ичида 24 нафар одамни, яна иккита йўлбарс эса, ҳеч кимга тутқич бермай, ўзининг бутун умри давомида 525 нафар инсоннинг умрига зомин бўлган».

Аслида эса, биологик жиҳатдан бу жониворлар фақат ўта чорасиз қолган ҳолатлардагина одамга ҳужум қилади. Овдаги хато кетган ўқ, ярадор йўлбарснинг муттасил таъқиб этилиши, йўлбарс болаларини овлаш ва бошқа ҳолатлар уларни одамга ҳужум қилишга мажбур қилади.

Катта йўлбарс бир суткада ўртача 8-10 килогача гўшт ейди. У ҳафтада 6 кун озиқланиб, бир кун албатта, оч юради. Баъзи йўлбарслар эса, бир пайтнинг ўзиде 20-25 килогача гўштни паққос тушириб, сўнг 2-3 кун озиғига ҳеч нарса олмай юриши ҳам мумкин.

Шу ўринда йўлбарсларнинг табиатида тўхтаиб ўтадиган бўлсак, улар мушуксимонлар оиласида тана қисмининг узунлиги ва оғирлиги бўйича энг йириги ҳисобланади. Улар орасида айниқса, Амур йўлбарси янада улкан ҳисобланади. Унинг тана узунлиги 4 метрни ташқил этиб, бу узунликнинг 23 фоизини дум қисми ташқил этади. Унинг оғирлиги ўртача 390 килогача етиши мумкин. Йўлбарсларнинг қолган турлари нисбатан кичикроқ бўлиб, барча турдаги урғочи йўлбарслар эркакларига нисбатан ихчам, жониворли ва беқийс ташқи қўриниши билан ажралиб туради.

Катта йўлбарснинг умумий қўриниши куч-қудрат, виқор ва ҳайқалтарошлар ҳайратига сазовор бўлган чиройини ифода этади.

Йўлбарслар одатда, буғу, эчки, қўй, антилопа, қобон, шунингдек, от ва сигирларни овлайди. Бундан ташқари улар қўрқиб-пўсиб ўтирмай кўнғир айқиларга ҳам ташланиши мумкин.

Йўлбарс яқка кун кўрувчи ҳайвон ҳисобланади. Асосан йирик туёқли жониворлар билан озиқланаркан, у ўлжа илинжида ниҳоятда катта масофаларни босиб ўтишга мажбур бўлади. Одатда, унинг ўлжаси бўладиган жониворларнинг барчаси айнан йўлбарс ҳужумидан қутулиб қолиш учун барча эҳтиёт чорасини қўради. Шунинг учун ҳам йўлбарслар ҳар бир ўлжани узоқ вақт пойлаб ётади, фақат фурсати етиб келгач, қутилмаганда ташланиб қолади. Йўлбарсларнинг бир суткада босиб ўтадиган масофаси 20-30 километрни ташқил этиши оддий ҳолдир. Лозим бўлган чоғда улар 500, 800 ва ҳатто 1000 километр масофани ҳам тўхтамай босиб ўтиши мумкин.

Эркак йўлбарсларнинг доимий яшаш жойи бўлмайди. Улар дуч келган жойда ухлаб, дам олиб кетаверади. Аммо ўзи учун ҳар томонлама қулай жойини топишда йўлбарсга етарли йўқ. Йўлбарс ўта нозиктаб ва озода жонивор бўлгани учун намлик ва ифросликни ёқтирмайди. Шунинг учун кунининг асосий қисмини ўзининг пардоз-андозига, яъни танасидаги юнгини ялаб тозалашга ажратади.

Она йўлбарслар ҳам ўзи учун атай уя қурмайди. Улар уя учун одатда, табиий горларни, қоя остидеги майдонча, қалин қамишзор ёки бутазорлар каби қадам етмас жойларни танлайди ва ўша ерда болаларини дунёга келтиради. Она йўлбарс фарзандини қорнида 100 сутка кўтариб юради. Она йўлбарс 2-4, камдан-кам ҳолларда 1 ёки 5, энг рекорд натижада эса, 6 нафаргача йўлбарсчаларни дунёга келтириши мумкин. Йўлбарсчалар онасидан икки ва ҳатто уч ёш бўлгунча қадар сира ажрашмайди. Шундан сўнг ўзлари мустақил яшай бошлайди.

Кичкинтойлар шундай қудратли жонивор зуррейд бўлишига қарамай ниҳоятда ҳимоясиз, яъни кўзи юмқ ҳолда туғилади. Уларнинг танаси билинар-билинмас йўл-йўллик касб этган майин калта жун билан қопланган бўлади. Эндигина дунёга келган йўлбарс боласининг оғирлиги 700 граммдан 1 килогача бўлиб, 40-45 см узунликка эга бўлади. Аммо болакай йўлбарслар тезда ўзини тутиб олишади. Улар икки ҳафталик бўлиши билан ўрмалаб, атрофни кузата бошлайди. 6-8 кунлигида қўзлари очилиб, 13-14 кунлигида тишлари чиқади. 30 кунлигида эса, миттивойлар у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб, уяси ичида сайёҳат қилишга тушади. Икки ойликда она сутидан анча тетиклашиб қолган йўлбарсчалар гўшт ейишга ҳаракат қилишади. Уч ойликда улар оналарининг изидан бемалол юғриб юради. Икки яшар йўлбарснинг оғирлиги 100 килограммга етади. Йўлбарслар тахминан 30 йилгача умр кўриши аниқланган.

Бу дунёда одам боласи билан бақамти яшаб келаятган йўлбарсларнинг жасур ва мардлиги, баъзан кишининг ақлини ҳам шошириб қўядиган ҳайратомуз хатти-ҳаракатлари тўғрисида тарихда кўплаб воқеа-ҳодисалар учрайди.

Биз бу мағрур жонзотларга қараб, табиатнинг юксак яратувчилик қудратини эътироф этамиз.

Интернет материаллари асосида Дилфуза КЎСИБЕВА тайёрлади.

Куч — АДОЛАТДА
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6383

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Бўришош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Омонбой ОКЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир

Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Кодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1016. Қўзғо бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сутунда эркин нарҳда. Адади: 6293.
1 2 3 5
Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰